# ПАРВАРИШДА ГАП КЎП

БУ ЙИЛ баҳор анча кечикди. Кетма-кет ёғингарчилик бўлгани сабабли кўкламги экиш ишлари 10—15 кунга сурилиб кетди. Шунга қарамай, тадбиркор деҳқонлар бор имкониятларини ишга солиб, кечикиш оқибатларини тугатишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу жиҳатдан Тошкент районидаги Ленин номли колхознинг коммунист Раззоқ Қаюмов бошчилик қилаётган бригадаси коллективи бажараётган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Ғанимат дамлардан унумли фойдаланиб, эртаки сабзавот экинларини сифатли ундириб олган деҳқонлар дастлабки ишлов беришни авж олдириб юбордилар.

— Биз ҳар йили 34,5 гектар ерда деҳқончилик қиламиз, — деб ҳикоя қилади бригада бошлиғи Р. Қаюмов. — Жумладан 8 гектар ерда картошка, 26,5 гектарда турли хил сабзавотлар етиштирамиз. Ҳалол меҳнат эвазига ўтган йили шаҳарликлар дастурхонига 166 тонна сара ноз-неъматлар тортиқ этдик. Бу — пландагидан 40 тонна кўп демакдир. Даромад ҳам меҳнатга яраша бўлди. Масалан, картошкадан олинган соф фойда 4 минг сўмни ташкил этди.

Бригада аҳли сабзавот маҳсулотлари тайёрлашда ҳам ана шундай қувончли ютуқларни қўлга киритди. Сабзи, карам ва бошқа экинлардан пландаги 576 тонна ўрнига 769 тонна ҳосил йиғиштириб олдилар.

Ютуқларни янада мустаҳкамлашга аҳд қилган коллектив аъзолари ҳозиргача 4,5 гектар майдондаги пиёзни бир марта тўлиқ ўтоқдан чиқардилар. Ҳадемай, сабзи ўтоғи ҳам ниҳоясига етказилади. 7 гектар ерда етиштирилаётган эртаки карам ҳосили эса май ойининг ўрталарида истеъмолчиларга жўнатила бошлайди.

Бригадада ҳосилдан бўшаган майдонларни пешма-пеш ҳайдаб ўрнига бошқа экин ўстириш бўйича ҳам катта тажриба тўпланган: июль ойига қадар карам ҳосили тўлиқ йиғиштириб олиниб, ўрнига кечки сабзи уруғи сепилади ва ҳар гектаридан йил охиригача 12 тоннадан маҳсулот олинади. Шунингдек, картошкадан жами 750 тонна, помидордан 245 тонна ҳосил олиниши кўзда тутилмоқда.

Сабзавоткорлар сифатли тайёрланган ерларга помидор кўчатлари ўтказишни ҳам бошлаб юбордилар.

А. ТИЛОВОВ.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИ

# ҲАМИША ХАЛҚ ҚАЛБИДА

«...АБДУЛЛА Қодирийнинг прозаси биринчи навбатда ғоятда ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Қодирийнинг тилидан у халқнинг бой ва ажойиб тилини ғоятда яхши билганлиги яққол сезилади. Унинг романлари ана шундай гўзал тил билан ёзилган. У туғма эпик ёзувчи, кенг қўламдаги мастер, юксак маънодаги реалист санъаткор эди».

Бу сўзлар адиб Ойбек қаламига мансуб. Дарҳақиқат, ўзбек-совет адабиётининг асосчиларидан бири бўлган Абдулла Қодирий ўзининг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари, «Обид кетмон» қиссаси ва бошқа кўпгина кичик насрий асарлари билан китобхонлар меҳру муҳаббатига сазовор бўлган ноёб истеъдод эгаси ҳисобланади. Бу асарлар вужудга келганига кўп йиллар бўлганига қарамай, реалист санъаткорнинг ўткир қалами туфайли яратилган Отабек ва Кумуш, Анвар ва Раъно образлари ўзларининг гўзал фазилатлари, қувонч ва изтироблари билан китобхонлар юрагига бир умр ҳамроҳ қаҳрамонларга айланиб кетган.

«Ўтган кунлар» ўзбек-совет прозасининг тўнғич реалистик романидир. У А. Қодирийнинг илк йирик насрий асари бўлишига қарамай, чинакам маҳорат билан ёзилган. Асарда XIX аср биринчи ярмида юз берган воқеалар қаламга олиниб, Қўқон хонлигининг ҳукмронлиги даврида савдо ишлари билан Тошкентдан Марғилонга борган ёш йигит Отабекнинг бошдан кечирганлари, унинг гўзал Кумушни севиб қолиши, бу икки ошифта юракларнинг оташин муҳаббати, ҳаётнинг бешафқат тўлқинларига дуч келган чоғларидаги қувонч ва изтироблари, юксак инсоний фазилатлари қаламга олинади.

Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романи ҳам тарихий мавзуда бўлиб, у «Ўтган кунлар»нинг мантиқий давомидек туюлса-да, аммо бу роман мавзуга ёндашиш ва воқеалар ривожланиши жиҳатидан аввалгисидан анча фарқ қилади. «Меҳробдан чаён»да ёзувчи воқеаларни бутун мураккаблиги, китобхонда тўла тасаввур ҳосил қилиш учун барча тафсилотлар билан тасвирлайди. Бундан ташқари, адиб бу романида бош қаҳрамонлар танлаш, уларнинг характерлари эволюциясига ҳам катта эътибор берганлигининг гувоҳи бўламиз. Зеро, А. Қодирийнинг ўзи ҳам «Раънонинг жасорати, хонга қарши исёни, ҳатто маъюс қолган Анварни йўлга солиши ўз замонаси учунгина эмас, бизнинг ҳозирги асримиз учун ҳам лойиқи таҳсин ва ёшлик қизларимизга ибрат», деб таъкидлаган эди. Агар романнинг 1926—1928 йилларда ёзилганлигига аҳамият берсак, ёзувчи мазкур асарида тарихий воқеа-ҳодисаларни бадиий ифодалаб беришни ўз олдига мақсад қилиш билан бир қаторда, роман қаҳрамонларига ўз даври кишиларининг интилишлари, уларнинг орзу ва мақсадларини ҳам сингдиришга ҳаракат қилганлигини кўрамиз.

Абдулла Қодирий бу икки романи билангина эмас, балки қишлоқни коллективлаштириш мавзусига бағишланган «Обид кетмон» номли қиссаси, қатор ҳикоя, ҳажвия, пьесалари билан ҳам ўзбек совет адабиётининг 20- ва 30-йиллардаги тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган ижодкордир. Атоқли сўз санъаткорининг бадиий асарга материал тўплаш ва уни саралаш, тарихий роман яратишда воқеалар аниқлигига эътибор бериши ва бадиий тўқимадан меъёрида фойдаланишдаги маҳорати ўзбек совет адабиётининг кейинги авлоди намояндалари учун ҳам катта мактаб бўлганлиги бежиз эмас. А. Қодирий ижодининг бошқа фазилатлари хусусида ҳам узоқ гапириш мумкин.

Истеъдодли ёзувчининг ҳаёти ва ижодини ўрганиш борасида кейинги йилларда кўпгина ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Хусусан, «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романлари оммавий нусхаларда қайтадан чоп этилиб, кенг китобхонларга туҳфа қилинди. Адибнинг кичик насрий асарлари ҳам алоҳида нашр этилди. Бундан ташқари, бир қатор таниқли адабиётшунос олимлар ўзларининг А. Қодирий адабий меросини ўрганиш ва тадқиқ этишга бағишланган турли характердаги тадқиқотларини юзага чиқардилар. Адибнинг ўғли, таниқли қаламкаш ва шифокор Ҳабибулла Қодирийнинг «Отам ҳақида» номли хотиралари тўлдирилган ҳолда, қайтадан нашр этилди. Китобхонлар бу қизиқарли асар орқали А. Қодирий ҳаёти ва ижоди, баъзи асарларининг ёзилиш тарихига оид қизиқарли кузатишларнинг гувоҳи бўлдилар. Бундан ташқари, ўзбек кино санъати ижодкорларининг «Ўтган кунлар» ва «Меҳрибон чаён» романлари асосида яратган бадиий фильмларини томошабинлар катта қизиқиш билан қарши олишди. Экран усталари халқимиз учун қадрдон бўлиб қолган ҳар икки роман қаҳрамонларининг жонли қиёфаларини акс эттиришга муваффақ бўлдилар. Ўйлаймизки, А. Қодирий асарлари бундан кейин ҳам кўп санъаткорлар учун илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади.

«Мен Шарқ озодлиги ва унинг мазлум пролетариатининг саодати фақат ленинизм орқасида вужудга чиқишига ишонган бир кишиман», деган эди А. Қодирий. Ўзининг Ленин ишига содиқ бўлишига интилиши билан фахрланган адиб таваллудининг 90 йиллиги Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг қутлуғ тўйи йилига тўғри келганлигида ўзига хос рамзий маъно бор. Зеро, ўзбек тарихий романи устаси бўлган сўз санъаткори ўз асарларида халқимизнинг оғир ўтмиши ва совет ҳукумати даврида эркин меҳнат нашидасини сураётганлигини тараннум этиши билан бирга, янги жамият қуришга халақит бераётган кимсаларни аёвсиз кулги остига олди. Адиб ўзининг умрбоқий асарлари билан кишиларда ҳаётни севишга, эзгу мақсад йўлида матонат билан кураш олиб боришга илҳомлантирди.

Абдулла Қодирий таваллудининг 90 йиллиги китобхонларга улуғ сўз санъаткори асарларига қайта-қайта мурожаат этишга, адиб истеъдоди яратган маънавий оламдан чексиз баҳраманд бўлишга ундайди.

Р. ҒАНИЕВ.

ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРБДОР ФРОНТ

# ЭГИЗ ҚЎЗИЛАЯПТИ

СОВХОЗИМИЗ меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини изчил амалга ошира бориб, катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Айниқса, қўйчиликни ривожлантириш соҳасида жадал юксалишга эришганлигимиз кишини қувонтиради. Чорвадорлар учун масъулиятли синов даври бўлган қишловга пухта тайёргарлик кўрганлигимиз, отарларга етарли миқдорда ем-ҳашак жамғарганлигимиз туфайли хўжалигимизга қарашли барча қўй-қўзилар қишловдан соғлом чиқди.

Хўжалигимиз чўпонлари сўнгги йилларда эрта қўзилатиш усулини кенг қўллаб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Эрта туғилган қўзи хўжаликка ҳар томонлама фойда келтиради. Биринчидан, ўт-ўланлар ўсгунча у анча тетиклашиб қолади. Иккинчидан, кеч кузга бориб бу қўзилар 40—45 килограмм тош босади. Илғор тажрибани бу йилги мавсумда ҳам кенг қўллаб, биз районда биринчи бўлиб қўзи олиш йиллик планини бажардик.

Ҳозиргача 1580 бош ўрнига 2000 дан ортиқ қўзи олишга муваффақ бўлдик. Совлиқларимизнинг кўпчилиги эгиз қўзиламоқда. Риза Муждабоев, Адҳам Аҳмадхонов сингари ўртоқлар бошчилик қилаётган отарларда ҳар юз бош совлиқдан 120—130 тадан насл олинди. Туғилган қўзиларнинг ва совлиқларнинг соғлом ўсишини таъминлашда ветеринария техникимиз Рамзиддин Сирожиддиновнинг ҳиссаси катта бўляпти.

Менинг ўзим ҳам қарамоғимдаги совлиқларнинг ҳар юз бошидан 130 тадан қўзи олдим. Ҳали қўзилатиш давом этяпти. Айни кунларда чўпонларимиз тадбиркорлик билан иш юритиб, совлиқларни сифатли озуқа билан озиқлантиришга, қўзиларни иссиқ ва қуруқ жойда сақлашга ҳаракат қилмоқдалар. Шунинг учун ҳам улар дуркун ўсишмоқда.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллик юбилейи нишонланадиган йилда совхозимиз бўйича ҳар юз бош совлиқдан 124 тадан қўзи олишга аҳд қилдик. Бунинг учун бизда барча имкониятлар бор.

Т. ХОЛМАТОВ,
Паркент районидаги Энгельс номли совхоз чўпони.

# СУВ КЕЛТИРГАН АЗИЗ

БЎЗСУВ каналининг ўнг соҳилидаги поёнсиз адирларда Оржоникидзе районининг қатор хўжаликлари — «Октябрь», «Маданият», «Коммунист» колхозлари, «Красний водопад» таянч тажриба базаси, шунингдек Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозлари жойлашган. Узоқ йиллардан бери деҳқончилик касбини ардоқлаб келаётган миришкорлар билан суҳбатлашиб қолгудек бўлсангиз, бу ернинг унумдорлиги, олинаётган ҳосилнинг салмоғи ҳақида фахрланиб гапиришади.

— Тағин ҳам сувга камчилмиз, — дейишади улар. — Агар ариқларимиздан муттасил тўлиб сув оқиб турса борми, ҳосил чўғини кўрардингиз!

Тошкент ГРЭСида фойдаланилган сувни яна ана шу хўжаликларга қайтариш ҳақидаги фикр шу тариқа пайдо бўлди. Бу кўпчиликка маъқул тушди.

Бугун каналнинг шундоққина ГРЭС яқинидаги эски ўзанида ҳаёт қайнамоқда. Бир пайтлар кўлмак сув тўпланиб ётган ташландиқ жой қудратли машиналарнинг, трактор ва бульдозерларнинг овозидан гавжумлашиб кетган. Бош пудратчи «Ташоблмелиоводстрой» трестининг 5-механизациялашган кўчма колоннаси қурувчиларининг, уларга ёрдам бераётган корхона ва ташкилот ишчиларининг қўли-қўлига тегмайди.

Эски ўзанда йирик насос станцияси бунёд этиляпти. Ҳозирча мутахассислар учта 22-НДС маркали қувватли насосни ишга туширишга шайламоқдалар. Бу агрегатларнинг ҳар бири секундига бир куб метр сувни тортиб беради. Орадан кўп ўтмай бу сув Тошкент ГРЭСи ва «Красний водопад» оралиғидаги 7,4 километрлик масофага диаметри 1420 миллиметр бўлган қувурлар бўйлаб оқа бошлайди. Ҳозир мазкур трассанинг 14 участкасида қувурларни ётқизиш ишлари ниҳояланмоқда. Бу мураккаб жараёнга 10 та пайвандлаш агрегати, 8 та экскаватор, 10 та бульдозер, 5 та автокран, 4 та труба ётқизадиган механизм ва бошқа кўпгина техника воситалари сафарбар қилинган.

Насос станцияларидан фойдаланиш бошқармасининг 4-монтаж участкаси ишчилари станциядаги учинчи насосни ишга тушириш арафасидадир. Қувурларнинг бош қисми аллақачоноқ Бўзсув каналига тушириб қўйилган. Абдужаббор Раҳимов, Акбар Турсунбоев, Худойберган Суюнбоев, Василий Илюхин каби созловчиларнинг ғайрат-шижоатидан барча мамнун. Улар иккита агрегатни муддатидан илгари ишга шай қилиб қўйдилар.

## РЕПОРТАЖ

— Ҳозиргача 2 та насос сув тортиб беради. Учинчиси эса резервда бўлади, — дейди насос станциясининг бошлиғи Рисмат Норбеков. — Кейинроқ эса яна 4 та насосни монтаж қилиб, ишга туширамиз. Бу эса деҳқонларни ҳозир ишга нисбатан икки баравар кўп сув билан таъминлаш имконини беради.

Ҳар куни иш вақти тугагандан сўнг қурувчилар, монтажчилар ва созловчилар бажарилган ишларни сарҳисоб қиладилар. Эртанги кун режаларини белгилайдилар. Биз ана шундай йиғилишдан сўнг район ижроия комитети раисининг ўринбосари К. Одиловни суҳбатга жалб қилдик:

— Бу ишнинг бошланиши, — дейди у, — мазкур йўналиш бўйлаб диаметрлари 1200 ва 1080 миллиметрдан бўлган яна 2 та қувур ётқизишни мўлжалламоқдамиз. Биринчи тармоқни ишга туширишимиз билан иккинчи ва учинчи навбат қурилишларини жадал суръатлар билан бошлаб юборамиз.

Насос станцияси қурилиши бошлангандан буён орадан ўтган салкам бир йил вақт ичида каттагина тажриба тўпланди. Аксарият жараёнлар ҳашар усулида амалга оширилмоқда. Бош пудратчи билан «Узводремстройэксплуатация» трестининг Тошкент ихтисослаштирилган кўчма механизациялашган колоннаси, «Средазнефтегазстрой» трестининг 6-қурилиш участкаси, Республика яйлов-мелиоратив бирлашмасининг Тошкент механизациялашган кўчма колоннаси, «Узсельэлектрострой» трестининг 5-механизациялашган колоннаси ишчи-хизматчилари ёнма-ён туриб баракали меҳнат қилмоқдалар. Шунингдек, райондаги қатор ташкилот вакилларини ҳам бу ерда учратиш мумкин. «ТашГРЭСстрой» бошқармаси, район суғориш тармоқлари бошқармаси, «Узремстрой» трестининг 45-ремонт-қурилиш бошқармаси, «Узсельхозтехника» бирлашмасининг Оржоникидзе район механизациялашган кўчма колоннаси ва бошқалар шулар жумласидандир. Кўпчиликнинг самарали меҳнати мана энди яққол кўзга ташланиб қолди. Қувурлар ётқизилган тўрт километрга яқин масофа қайта текисланиб, экин майдонига айлантирилди.

Қурилишдаги қайси бир коллектив аъзолари билан суҳбатлашманг, хайрли бир фикрнинг гувоҳи бўласиз. У ҳам бўлса азамат деҳқонларимизни кўпроқ сув билан таъминлашдан иборатдир. Ҳар бир қурувчи, созловчи ва монтажчи ҳозирги ғанимат кунлар деҳқон учун ҳафтага тенглигини яхши билади. Улар етказиб берадиган сувнинг ҳар томчисини деҳқонлар интиқлик билан кутаётганликларини тўлиқ тушунадилар. Бўлажак боғ-роғларга, серҳосил далаларга замин ҳозирлаётганликлари билан фахрланадилар. Халқимизда сув келтирган азиз, деган ажойиб нақл бор. Бу нақлга тўла амал қилган азамат бунёдкорлар қисқа муддат ичида далаларга об-ҳаёт таратиш иштиёқи билан фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Р. ШЕРАЛИЕВ.

# АНЪАНАВИЙ КОНКУРС ҒОЛИБЛАРИ

ПАРДОЗЛОВЧИ Йўлдош Тойметов ва слесарь М. Худалашев томонидан берилган таклиф Шароф Рашидов номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг ёш рационализаторлари ўртасида ўтказилган анъанавий конкурсида энг яхши деб топилди. Бу икки ишлаб чиқариш новатори ҳамкорликда ЛАО-120 маркали пардозлаш линиясининг ўзи тахлагич мосламасига ўзгартириш киритдилар. Улар таклифини жорий этиш бу ускуналарнинг унумдорлигини кўтаришга олиб келди. Чунки янгиликни қўлланиш билан мосламаларнинг бекор туриб қолиши анча камайди. Натижада ҳар йили 6,5 минг сўмликдан кўпроқ иқтисодий самара олиш имкони туғилди.

Комбинат ёш рационализаторлари ва ихтирочиларининг навбатдаги бу конкурскўригига ҳаммаси бўлиб 30 дан ортиқ таклиф тушди. Уларнинг аксарият кўпчилиги ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун танлаб олинди. Новаторларнинг шу таклифлари эвазига ҳар йили корхона коллективи 35 минг сўмликдан кўпроқ иқтисодий самара олади.

Ҳ. АСҚАРОВ,
комбинат пардозлаш фабрикаси ишчиси.

# ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

Чехословакия селекционерлари социализм мамлакатларидаги ҳамкасблари билан экинларнинг янги навларини яратиш устида муваффақиятли иш олиб бормоқдалар. Улар совуққа ҳамда қурғоқчиликка ҳам чидамли, механизмлар ёрдамида йиғиштириб олишга қулай бўлган серҳосил экинлар навларини яратяптилар. Шу кунларда Оломоуцдаги «Осева» бирлашмаси коллективи деҳқонларга юқори сифатли уруғлик жўнатмоқда. Суратда: бирлашма лаборантлари Квета Стейскалова ва Мария Якешова уруғликларнинг униб чиқиш қобилиятларини текшириб кўрмоқдалар.

ЧТК—ТАСС фотоси.



## КПССНИНГ ТАЖРИБАСИГА ТАЯНИБ

АДДИС-АБЕБА. (ТАСС). Совет Иттифоқи пролетар интернационализми принципларига амал қилиб, социалистик жамият негизларини қуришда Эфиопия революциясига ҳар томонлама мадад бермоқда, деб ёзади Эфиопия меҳнаткашлари партияси ташкилот комиссияси (ЭМПТК) Марказий Комитетининг органи «Серто адер» газетаси. Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага мустаҳкам асосланган икки томонлама муносабатлар, деб таъкидланади мақолада, иқтисодий, социал ва сиёсий соҳаларда муваффақиятли ривожланмоқда.

Эфиопияда меҳнаткашларнинг илмий социализм принципларига асосланган авангард партиясини ташкил этиш жараёни ниҳоясига етаётган ҳозирги пайтда, деб уқтиради газета, КПСС билан ЭМПТК, иккала мамлакат жамоат ташкилотлари ўртасида тинмай ривожланиб бораётган алоқалар алоҳида аҳамият касб этмоқда. КПССнинг бой тажрибаси, социализм қуриш ишида совет халқи партия раҳбарлигида қўлга киритган улуғвор муваффақиятлар, деб таъкидлайди «Серто адер» газетаси, Эфиопия меҳнаткашлари учун илҳомбахш намуна бўлиб хизмат қилади.

## ВАШИНГТОННИНГ ХАТАРЛИ РЕЖАЛАРИ ТАНҚИД ҚИЛИНДИ

САН-ФРАНЦИСКО. Қўшма Штатларнинг таниқли илм-фан арбоблари Вашингтон маъмуриятининг космик фазони ҳарбийлаштириш режалари хатарли эканлигини уқтириб ўтдилар. Улар телевизион кўрсатувда сўзга чиқиб, АҚШ илмий жамоатчилигини Рейган маъмуриятининг ракетага қарши кенг кўламли мудофаа системасини авж олдириб юбориш ниятига қатъиян қарши чиқишга даъват этдилар.

Американинг таниқли астрономи К. Саган, истеъфодаги адмирал Н. Гэйлер, физик олим Р. Гарвин космик қурол системаларини ишлаб чиқиш ва яратиш Қўшма Штатлар қурол-яроғлар устидан контроллик тўғрисидаги Америка-Совет шартномаларининг ҳаммасини, шунингдек ялпи қирғин қуролини космик фазода жойлаштиришни тақиқловчи БМТ резолюцияларини бузганлигини билдиради, деб таъкидладилар.

## ЛИВАНДАГИ ВОҚЕАЛАР

БАЙРУТ. Шаҳарни ғарбий ва шарқий секторларга ажратиб турувчи чизиқ бўйлаб 7 апрель бутун кун бўйи Байрутда шиддатли отишмалар давом этди. Матбуот хабарларига кўра тўқнашувлар натижасида 30 дан кўпроқ киши ўлдирилган ва ярадор қилинган.

Исроил агрессорлари Бекаа водийсида бронетанк техникаси ва бошқа техникани тўплашни давом эттирмоқдалар. Улар кейинги кунларда Ливанда тинчликни сақловчи араб мамлакатлариаро кучлар составидаги Сурия қўшинларининг позицияларини бир неча марта тўпга тутдилар. Мамлакат жануби бошқа районлардан амалда батамом ажратиб қўйилган. Ҳамма йўллар тўсилган, телефон ва телеграф алоқаси узилган. Исроил солдатлари шаҳарлар ва аҳоли пунктларида изғиб юриб, ялпи тинтув ўтказмоқдалар ва одамларни кўплаб қамоққа олмоқдалар. Кейинги уч кун ичидагина алоҳида қатъий режимли Ансор қамоқ лагерига икки юздан кўпроқ киши ташланди.

Маҳаллий сиёсий доираларда Исроил авиациясининг Бхамдун шаҳрига қилган ваҳшиёна ҳужумини Тель-Авивнинг яна бир кенг кўламдаги агрессив ҳуружга тайёргарлиги деб баҳоламоқдалар. Ана шу ҳужум кўпдан-кўп вайронгарчиликлар ва қурбонларга сабаб бўлди.

Пойтахтда миллий ярашга бағишланган конференцияда тузилган олий ҳарбий сиёсий комитет ўз ишини давом эттирмоқда.

(ТАСС, 9 апрель).

## АФҒОН ХАЛҚИГА МАКТУБ

● ҚОБУЛ. АДР миллий ватан фронти АҚШ бошчилигидаги халқаро империализмнинг Яқин Шарқдаги, Форс кўрфази зонасидаги ва дунёнинг бошқа районидаги агрессив ҳаракатларини қатъиян қоралайди. Миллий ватан фронти марказий кенгашининг бу ерда бўлиб ўтган 4-пленуми қатнашчилари афғон халқига йўллаган мактубда шундай дейилган. АДРдаги мана шу энг оммавий жамоат ташкилоти марказий кенгашининг аъзолари бир овоздан маъқуллаган ҳужжатда Совет Иттифоқи ва социалистик мамлакатларнинг халқаро тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга, ядро урушининг олдини олишга қаратилган изчил позицияси қатъий қўллаб-қувватланди.

Пленум ишида миллий ватан фронти раҳбар органларининг, вилоят ва маҳаллий кенгашларининг аъзолари, миллий ватан фронтига кирган жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар.

## ИЗЧИЛ ВА ПРИНЦИПИАЛ ПОЗИЦИЯДА

● ДАМАШҚ. Сурия араб халқларига душман империализм ва сионизм кучларининг режалари ҳамда фитналарига қарши ҳаракат қилиш ишида бундан буён ҳам изчил ва принципиал позицияга амал қилаберади, деди араб социалистик уйғониш партияси Бош секретарининг ўринбосари А. Ал-Ахмар Яман социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси А. Абдул Қодир билан учрашувда.

САНА агентлигининг хабар қилишича, А. Ал-Ахмар Сурия Совет Иттифоқи ҳамда бошқа социалистик мамлакатлар билан, Ливан ватанпарварлари, региондаги барча тараққийпарвар кучлар билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш ниятидадир, деб таъкидлаган. У Сурия фаластинлик араб халқининг қонуний ҳуқуқларини, шу жумладан унинг ўз мустақил давлатини барпо этиш ҳуқуқини қатъий равишда қўллаб-қувватламоқда, деди.

## НИКАРАГУА ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

● МАНАГУА. Қўшма Штатларнинг Никарагуага қарши агрессияси кун сайин тобора сурбетлашиб, ошкора тус олмоқда, деди сандиночилар миллий озодлик фронти миллий раҳбарлик органининг аъзоси, республика ички ишлар министри Томас Борхе «Патриа либере» журнали мухбири билан суҳбатда.

Министр кейинги вақтларда Рейган маъмурияти ўзининг жиноий ҳуружларини ғоят кучайтириб юборганлигини, шу ҳуружлардан кузатилган мақсад сандиночилар халқ революциясини тугатишдан иборат эканлигини таъкидлади. АҚШ, жумладан, Никарагуа портларини миналаштириш тўғрисида буйруқ бериб, ғоят хатарли авантюрани бошлади. Бунинг натижасида бир қанча чет эл савдо кемалари, шу жумладан Совет Иттифоқининг «Луганск» танкери шикастланди. МРБ Гондурасдан Никарагуа территориясига бандитларча ҳужум қилаётган контрреволюционерларнинг террорчилик ишларини пул билан таъминламоқда. АҚШ бу йил Гондурасда ўтказишни мўлжаллаётган кенг кўламдаги «Биг пайн-3» ҳарбий машқлари ҳам Никарагуа халқига қарши империалистик агрессиянинг таркибий қисмидир.

(ТАСС).

## ЛИВАНДА РЕЙГАННИНГ ШАРМАНДАЛИГИ

● НЬЮ-ЙОРК. Рейган маъмуриятининг Ливандаги сиёсати тўла-тўкис барбод бўлди. «Нью-Йорк таймс» газетасининг таниқли обзорчиси Т. Уикер шундай хулосага келди.

Ливандаги шармандалик, деб таъкидлайди у, бутун Яқин Шарқ регионида Вашингтонга жуда катта сиёсий зарар етказди. Бундан ташқари, Ливанда АҚШ солдатларидан 264 киши ҳалок бўлди, 137 киши жароҳатланди. Бу ерда АҚШ қарийб 60 миллион долларни шамолга совирди. Мана шуларнинг ҳаммаси учун масъулият тўла-тўкис президент Рейганнинг зиммасига тушади, чунки Ливанда унинг сиёсати таназзулга учради. Факт фактлигича қолаверади: Яқин Шарқда денгиз пиёда қўшинларининг вазифаси ҳам сиёсий нуқтаи назардан, ҳам ҳарбий нуқтаи назардан мутлақо асоссиз бўлишига қарамай, бу қўшинларни мазкур районга айни Рейган юборган эди.

(ТАСС).

## МУЗОКАРАЛАР БАРБОД БЎЛДИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). АҚШ президентининг савдо музокараларидаги махсус вакили Брок ва Япония деҳқончилик, ўрмончилик ва балиқчилик министри Ямамура қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилиш масалалари юзасидан олиб борган Америка-Япония музокаралари тамомила барбод бўлди. Музокараларнинг сўнгги босқичи тугагандан кейин Брокнинг ёрдамчиси «томонлар барча масалалар юзасидан ўз позицияларининг турлича эканлиги тўғрисидагина бир хил фикрга келдилар, холос», деб айтди.

Маҳаллий кузатувчиларнинг фикрича, Рейган маъмуриятининг Токиодан бир томонлама ён босишга эришишга сурбетларча уринишлари музокараларнинг боши берк кўчага кириб қолишига сабаб бўлди. Бундай ён босишга эришиш «кун чиқиш мамлакати»да Американинг иқтисодий экспансиясини анча енгиллаштирган ва айни вақтда япониялик фермерларга жуда катта зарар етказган бўлур эди.

